№1-52 Д-Ҳ 2011


# Оила ва жамият

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

1 (999)-сон

5 январь 2011 йил

Web-site: oilavajamiyat.uz

Дардингизни олайин... 3

Меҳр ва қаҳр чегараси 4






8

## Қуён йили: тахмин ва тасалли

## БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

Шавкат СУЛТОНОВ сурат-лавҳаси.

**Холисхон ая Исломова,**
**Андижон шаҳри Гулистон маҳалласи, 104 ёшда:**

*— Эсимни танибманки, шу қадрдон гўшада яшайман ва ўзим туғилиб ўсган жойдаги турли хил ўзгариш-янгиликларга гувоҳман. Бугун бир асрлик манзаралар кўз ўнгимдан ўтади. Шаҳарнинг қирқ-эллик йил тугул, беш-ўн йил олдинги ва ҳозирги кўриниши ўртасида еру осмонча фарқ бор, десам адашмайман. Айниқса, Андижонимиз кейинги пайтларда янада чирой очиб бораяпти. Шундай кунларнинг қадрига етмай бўларканми, азизлар?*

## Ушбу сонда:


«Гужумбой»лар оиласи ..... 3
Ичаётган аёл... ёхуд чўкаётган ҳаё ..... 4
Ёш кулолнинг фалсафаси ..... 5
Пул учун боласин қул қилганлар ..... 6
Эрини унутиб, севгилисини унутмади ..... 7
«Эркакларни камситиш шартми?» ..... 8

Oila va jamiyat
№1 (999), 5.01.2011

***Одатда, опа-сингиллар учрашиб қолгудай бўлишса, рўзғор ташвишлари, оила, бола тарбияси каби мавзуларда кўпроқ суҳбатлашишади. Аммо бизнинг бугунги қаҳрамонларимиз бир-бирини «Ғаллани суғордингми, тракторинг созми, зангга қарши дори сепдингми?» сингари саволлар билан қарши олишади. Сезганингиздек, улар — деҳқон опа-сингиллар. Деҳқон бўлганда ҳам — катта ер эгалари...***

# Опа-сингил фермерлар

**Ойша Туропова** – Пастдарғом туманидаги «Тароб Усмон нурли воҳаси» фермер хўжалиги раҳбари.

**Синглиси – Лола Туропова** эса «Қувончбек» фермер хўжалиги раҳбари, 2007 йили республика миқёсида «Энг яхши фермер аёл», 2008 йили «Энг яхши чорвадор аёл», 2009 йили эса вилоят миқёсида «Замонавий қишлоқ аёли» номинациялари ғолибаси бўлган. Юқорида таъкидланганидек, уларнинг асосий суҳбат мавзулари ер, фермерликни ривожлантириш, бу борадаги ютуқ ва муаммолар ҳақида.

**Лола Туропова:** — *Бу йилги ажратилган ғалла уруғлиги жуда яхшига ўхшайди, ғалламиз кўм-кўк, яхши ривожланаяпти. Бундан олдинги йиллари уруғлик масаласида анча қийинчиликлар бўлганди, шундоқ уруғликни сочиб кўрсангиз, орасида пучмоқлари ҳам кўп, текис эмасди. Бу йил насиб этса, ҳосил яхши бўлса кераг-а?*

**Ойша Туропова:** — *Ажабмас... Ахир кўп ҳудудларда бўлгани каби бизда ҳам «Краснодар-99», «Таня» уруғлик навлари экилди. Бу уруғлар ҳосилдорлиги билан алоҳида ажралиб туради. 2009 йили 50 гектар еримиздан ғалладан яхшигина ҳосил кўтаргандик. Лекин 2010 йилда гарчи режани уддалаган бўлсак-да, аммо ўзимизга қолгани унчалик катта миқдорда эмасди. Ахир бунинг отини деҳқончилик деб қўйибди. Бир йил ундай бўлса, бир йил ҳеч ким кутмагандай бўлиши ҳам мумкин. Ернинг тилини билиш керак, қолаверса, деҳқон учун обҳавонинг қандай келиши ҳам аҳамиятли. Бугун фермер ўз шароитидан келиб чиққан ҳолда интилса, ислансагина нимагадир эришиши мумкин. Мана, ўзингдан қиёс, кредит олдинг, ишлатдинг, чорвачиликни йўлга қўйдинг.*

**Лола:** — *Кредит олиш қийин, юғур-юғури қанча, деб ўйлайдиганлар кўп. Лекин бугун, айниқса, хотин-қизларга тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳукуматимиз томонидан қатор кредитлар ажратиляпти. Улардан фойдаланиш керак. 2007 йили Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди кўмагида чорвачиликни ривожлантириш учун кредит олгандим. Икки йилликка мўлжалланган кредитни бир ярим йил ичида тўлашга эришдик. Энди сутни қайта ишлаш мини технологияси сотиб олиш учун кредит олиш ниятидамиз.*

*Бир неча марта вилоят «Тадбиркор аёллар» уюшмаси аъзоси сифатида пойтахтимизда, вилоятда ташкил этилган фермерлик маҳсулотлари, янги технологиялар кўргазмаларида иштирок этдим, шундай технологиялар жорий этилган фермер хўжаликларида бўлдик. Бу каби тадбирларда қатнашганимда имкониятларимиз қанчалик кенг эканлигига тобора амин бўлавераман.*

**Ойша:** — *Ростдан ҳам, эсингдами, ўтган асрнинг 70-80-йилларида фермада сут соғувчи бўлиб ишлардим. Кейин бир қанча муддат ферма мудири бўлдим. Аёллар барча оғир ишларни қўл меҳнати билан бажарарди. Норма катта, иш оғир, баъзан дам олишга ҳам вақт бўлмасди. Тўғри, бугун ҳам далаларда хотин-қизлар ишлашаяпти, лекин меъёри билан, ўз вақтида дам олишади, оиласига қарашади. Фермер ҳам ишчисига шароит яратиб бермаса, у кези келганда ерида ишлашдан бош тортади.*

*Мана, ўзинг айт, 2001 йилдан бери фермерсан, хўжалигингда 20 нафарга яқин ишчи ишлайди.*

**Лола:** — *Хўжалигимизда ишлаётган оилалар ўртача ҳисоблаганда ҳар бири йилига 2-3 миллион сўм даромад қилишади. Бундан ташқари, чорвалари бор, умуман меҳнатдан қочишмаса етарлича шароит қилиб олишлари мумкин.*

*Ишни тўғри йўлга қўйганимиз, хўжалик аъзоларининг меҳнаткашлиги туфайлими, ҳозирга қадар пахта, ғалла бўйича шартномавий режани ўз вақтида бажариб келяпмиз. Ўтган йили ҳам 72 тонна пахта, 41,5 тонна ғаллани ўз вақтида топширдик. Еримиз 104 гектар бўлса-да, аммо 50 гектари суғориладиган, қолгани эса лалми, яйловлардан иборат. Лекин тупроқнинг мелиоратив ҳолати яхши эмаслигидан ташвишдаман.*

**Ойша:** — *Ўзинг ҳам, турмуш ўртоғинг ҳам агрономсизлар. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ҳозир катта ишлар ташкил қилиняпти, булардан хабардор бўлиш керак...*

* * *

Пастдарғомдаги оддийгина темирчи оиласида ўсиб-улғайган бу опа-сингиллар бир пайтлар фермерлик қилиб, оиласи-ю, жамият фаровонлигига ҳисса қўшаман, дея сира ҳам хаёлига келтирмаган десак ишонаверинг. Уларнинг бугунги ўй-фикрлари, эртанги орзулари янаям яққолроқ намоён бўлаётганини, қишлоқ аёллари ҳам барча қатори турмуш даражасини яхшилашга интилиб, бунга қайсидир маънода эришаётганини ўзлари ҳам ҳис қилишаётганини уларнинг ўзаро суҳбатидан ҳам билиб олса бўлади. Бевосита Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизлар, айниқса, қишлоқ ҳудудларида яшаётган аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, шунингдек, улар учун барча соҳаларда яратиб берилаётган шарт-шароитлар кенг имкониятлар йўлларини очиб бермоқда. Бугунги кунда биргина Самарқанд вилоятида 590 нафар хотин-қизларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишлари, 300 нафардан зиёд аёлларнинг фермерлик соҳасида фаолият юритаётгани ушбу фикрларимизни яна бир бор тасдиқлайди.

Энг қувончлиси, Юртбошимиз янги 2011 йилни "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб номлаганликлари мазкур соҳада фаолият юритаётган, қолаверса, бундай истиқболли ишларга бош қўшиш истагида юрган хотин-қизларни янада руҳлантириб юборди. Демак, биз ҳозиргина гап-сўзларига гувоҳ бўлган, бир сўз билан айтганда, ўзлари яшаётган ҳудудларда тинимсиз меҳнат ва изланишлари эвазига ҳалол ризқ-рўзи топиб, элдошлари олқишини олаётган опа-сингилларнинг издошлари янада кўпайишига ишонамиз.

**Гулруҳ МЎМИНОВА,**
**"Оила ва жамият" мухбири.**
**Самарқанд вилояти.**

## Умидларимиз ушалди

**Имомали НАЗАРОВ,**
**Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани "Умид" фермер хўжалиги раҳбари:**

— Юртбошимизнинг 2011 йилни "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилганликлари иқтисодиётимиз таянчига айланган мазкур соҳанинг ривожи йўлида ташланган яна бир муҳим қадам бўлди, десак адашмаймиз. Биз тадбиркорлар мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ бундай юксак эътиборни туйиб, яратилган имкониятлардан иложи борича унумли фойдаланиб келаяпмиз. Фермер хўжалигимизни ҳеч иккиланмай улуғ истиқлолимизнинг илк қалдирғочларидан деб айта оламиз. Мустақиллик тенгдоши бўлган хўжалигимизга катта ниятлар билан "Умид" дея ном бергандик. Ҳали у вақтлар фермерлик, хусусий мулкчилик ҳақида энди-энди гапирилаётган, кўпчилик унинг истиқболига ишончсизлик билан қараётган эди-да. Ўтган йигирма йил давомида қанча-қанча умидларимиз ушалди. Бугун фермер хўжалигимиз ҳисобида 158 гектар ер, 700 бош қорамол бор. 100 га яқин юртдошларимиз шу ерда доимий иш билан банд, демак, қарийб шунча оила фаровонлигига баҳоли қудрат ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз. Аъзоларимизни мунтазам равишда рағбатлантириб борамиз. Йил мобайнида ғайрат қилган ишчиларимизга байрам арафасида 10 бош қорамол, 10 та қўй совға қилдик. Мурувват уйига 500 минг сўм пул ўтказиб бердик. Аҳолимизга арзон нархда 1,5 тонна гўшт сотдик... Айтаверсак гап кўп, бироз нокамтарликка ҳам йўйишингиз мумкин. Янги йилда ҳам ниятларимиз катта. Меҳнат қилган инсон қадр топадиган замонда яшаяпмиз-да!

## «Асила»нинг асл чеварлари

**Саида ҲАКИМОВА,**
**Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги «Asila Shoxina» хусусий корхонаси раҳбари:**

— Юртимизда тадбиркорлар учун яратилган имкониятлардан фойдаланиб, турмуш ўртоғим, фарзандларим билан бирга Чилонзор туманидаги Хирмонтепа маҳалласида «Asila Shoxina» тикувчилик цехини очдик. Мақсадимиз маҳаллий хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб, аҳолимизга сифатли ва арзон кийим-кечаклар етказиб бериш, уйда ўтирган аёлларни иш билан таъминлаш эди. «Агробанк»нинг 50 миллионлик кредит маблағига тикув дастгоҳлари, хомашё сотиб олдик, 23 та янги иш ўрни яратдик. Дастлаб хотин-қизларни ўқув курсларида қайтадан ўқитиб, малакасини оширдик. Сўнг бозорни ўрганиб, болалар кийимларига талаб кўплигини аниқлаб, шу соҳада иш бошладик. Тушган фойдани яна корхонамизга сарфлаб, қўшимча дастгоҳлар сотиб олиб, иш ўринларини кўпайтирдик.

Президентимизнинг 2009 йил 28 январда эълон қилинган **«Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарорида кўрсатилган имтиёзларга асосланиб, солиқлардан тежалган маблағга яна 40 та дастгоҳ сотиб олдик, шундан сўнг корхонамизда ишли, маошли бўлган хотин-қизлар жами 70 нафарга етди.

Аёл киши қайнона-қайнотасининг, турмуш ўртоғининг ҳурматини ўрнига қўйиши, фарзандларига тарбия бериши билан бирга, ўзининг изланувчанлик, интилувчанлик каби хислатларини ҳам намоён қилиб бориши керак. Шу боис ҳар куни эрталаб ишчиларимизни йиғиб, 10–15 минутлик кичикроқ мажлис ўтказамиз, матбуотда чоп этилган янгиликлардан, янги қонунлардан хабардор қилиб борамиз. Ҳукуматимиз аёлларнинг жамиятдаги мавқеини кўтариш, ҳуқуқи ва имтиёзларини кафолатлаш йўлида амалга ошираётган чора-тадбирлар ҳақида алоҳида тўхталамиз. Биз аёллар ҳам бунга лаббай деб жавоб беришимиз керак.

## Ҳақиқатга айланган эртак

**Шоҳиста МАДИЯРОВА,**
**Тошкент вилояти Ангрен туманидаги «Шахлия» тикув цехи раҳбари:**

— Ўқувчилик пайтларим меҳнат дарсларида тикиш-бичиш сирларини қизиқиб ўрганардим. Мактабни битириб, Ангрен шаҳридаги маиший хизмат кўрсатиш уйининг 9-сонли тикув цехида иш бошладим. Олти ойдан сўнг мустақил тарзда кийим тика бошладим. Мижозларнинг кўпчилиги «Модасини ўзингиз танлаб беринг», деб илтимос қиларди. Шу боис пойтахтга бориб, маҳоратимни ошириш мақсадида дизайнер-модельер бичувчи ихтисослиги бўйича ўқиб келдим. Ўша пайтларда шаҳримизда ўзбек аёлларидан биргина мен дизайнер-модельер бичувчи эдим. Ҳамкасбларимга «Келажакда тикув корхонаси очаман» десам, «Бу бир эртак!» деб кулишарди. Аммо мана, эртак ҳам ҳақиқатга айланар экан. 2001 йили бир донагина тикув машинаси билан иш бошлагандим. Секин-аста мижозларим кўпайиб, шогирдлар етиштира бошладим. «Шахлия» тикув цехини очдим, 10 нафар қизни иш билан таъминлашга эришдим. Ўттиздан ортиқ аёллар цехимиздан буюртма олиб кетиб, уйларида ўтириб ишлайди. Ишчиларимиз костюм-шим, келинлар либоси, юбка, мактаб формалари — жами 20 дан ортиқ турдаги сифатли ва арзон кийим-кечакларни харидорларга етказиб беришмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишимда менга кўпроқ турмуш ўртоғим ёрдам берди. У кишининг қўллаб-қувватлашлари туфайли кўзлаган мақсадларимнинг бир қисмига эришдим. «Ташаббус — 2010» кўрик-танловининг вилоят босқичида «Энг яхши тадбиркор аёл» номинацияси бўйича ғолиб бўлдим. Пойтахтимизда ўтказиладиган «Қўли гулдир ўзбек аёлин» кўргазмасида фаол қатнашиб келаман. Мақсадим шаҳримизда уста-шогирд йўналиши бўйича мактаб очиб, ёш қизларимизни ўқишга, ишга жалб этиш, шу орқали халқимиз фаровонлигига озми-кўпми ўз ҳиссамни қўшишдан иборатдир.

**Нигора РАҲМОНОВА ёзиб олди.**

# МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБИ

**Янги йил Дўстлик тумани болалари учун муносиб совға билан келди**

Мустақиллик йилларида юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни камол топтириш учун қилинаётган беқиёс ишларнинг мевалари яққол кўзга ташланмоқда. Хусусан, ўтган йили жойларда қурилиб, фойдаланишга топширилган, реконструкция қилинган ҳамда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган мусиқа ва санъат мактаблари ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Янги йил арафасида навий замомеъморий кўринишда барпо этилган мактаб туманимиз болалари учун муносиб совға бўлди, — **дейди 3-сон Дўстлик болалар мусиқа ва санъат мактаби директори Исроил НИЁЗОВ.** — Айни пайтда 130 нафар ёш санъат ихлосмандлари 9 та мусиқа ҳамда санъат йўналиши бўйича таҳсил кўришяпти. 150 ўринли шинам концерт зали, энг сўнгги русумдаги ўқув қуроллари, мусиқа ва санъатга доир асбоб-ускуналар, малакали ўқитувчи-мусиқачиларнинг фаолияти болаларнинг пишиқ-пухта билим олишлари, санъатнинг сеҳрли оламидан бохабар бўлишларига имкон яратмоқда.

"Прайз" кўп тармоқли хусусий фирмаси бунёдкорлари томонидан қисқа муддатда сифатли қилиб бажарилган 889 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ва ободонлаштириш ишларидан сўнг бутунлай ўзгача манзара касб этган мусиқа ва санъат мактаби биноси ҳамда унинг ён-атрофи туман маркази кўркига кўрк қўшди.

**Доногул ЖЎРАЕВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**
**Жиззах вилояти**

# Дардингизни олайин...

Ўзим қишлоқда туғилиб ўсганман. Бизнинг болалик давримиздаги қишлоқлар билан ҳозиргилари ўртасида еру осмонча тафовут бор. Гуваладан тикланган, томи лойсувоқ, қишда томчи ўтиб кетадиган пастқам, қўримсиз уйларда яшаганмиз. Ва худди ана шундай кўринишдаги мактабларда амалтақал қилиб ўқиганмиз. Уст-бошимиз, ейиш-ичишимиз ҳам шунга яраша бўлган. Натижада турли хил касалликлар кўп учрар, болалар ва оналар ўлими эса одатий ҳол ҳисобланарди. Шуларни кўриб, билиб улғайганим учунми, мактабда ўқиб юрганимдаёқ болалар шифокори бўлмоқни чин дилдан ният қилган эдим.

"Яхши ният — ярим давлат" деганлари рост экан. Мана, йигирма бир йилдан бери тиббиёт соҳасида баҳоли қудрат хизмат қилиб келаяпман. Истиқлол шарофати, давлатимизнинг халқчил сиёсати туфайли олис ва чекка қишлоқларимизнинг қиёфаси, одамларимизнинг турмуш тарзи кўз ўнгимизда таниб бўлмас даражада ўзгараётганидан хурсандман. Тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларнинг самараси сифатида барпо этилган қишлоқ врачлик пунктларини олайлик. Ҳозир уларда дастлабки тиббий ёрдамни кўрсатиш учун ҳамма шарт-шароиту имкониятлар яратилган. Мавжуд замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарининг айримлари ҳатто катта шаҳарларда мавжуд бўлмаган шифохоналарда ҳам йўқ, десам ишонаверинг. Бу даргоҳларда фаолият кўрсатаётган малакали шифокорларни айтмайсизми? Уларнинг аксарияти умумий амалиёт тайёргарлигидан ўтган мутахассислар эканлиги бугун аҳолига тез, малакали ишончли тиббий ёрдам кўрсатиш имконини бераяпти.

Ўтган 2010 — "Баркамол авлод йили"да камтарона хизматларим учун Юртбошимиз Фармонига кўра, II-даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирландим. Бундай юксак эътибору эътироф мени ва туманимиздаги барча ҳамкасбларимни фуқароларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, аҳоли орасида тиббий маданиятни юксалтириш, касалликларнинг олдини олиш учун янада яхшироқ, самаралироқ ишлашга руҳлантираяпти.

**Муқаддасхон ТЎРАҚУЛОВА,**
**Мирзачўл туманидаги "Ўзбекистон" қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори, II-даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳиби.**

ТИЛАК

# Эзгуликка элтади

*Ҳар бир киши учун илк ёшлик пайтиданоқ онгида шаклланадиган барча инсоний фазилатлар, эзгу ниятлар ва маънавий тарбия амалга ошадиган муқаддас даргоҳ оила эканлигини барчамиз яхши биламиз. Шунинг учун бу гўшада маънавий-ахлоқий муҳитни вужудга келтириш ва у орқали шахсни соғлом ғоялар руҳида тарбиялаш ва, айниқса, келажагимиз эгалари бўлган баркамол авлоднинг дунёқарашини тўғри шакллантириш бежиз давлат аҳамиятига молик масалалардан бири ҳисобланмайди. Ахир ҳақиқатан ҳам оила авлодлар ворислигини давом эттирувчи маскан экан, бу даргоҳда миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз, миллий анъаналаримиз, ўзбек оилаларига хос бўлган муомала маданияти, меҳр-оқибат, мурувват, андиша, ор-номус, ҳалоллик каби туйғулар каби барча инсоний фазилатларнинг шаклланишида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилади.*

*Шу ўринда айтиш мумкинки, 7 ёшдан 70 ва ундан юқори ёшдаги инсонлар ҳам севиб мутолаа қиладиган "Оила ва жамият" газетаси жамиятнинг барча қатламидаги инсонлар: зиёлилардан тортиб, уй бекалари, пенсионерлар, ҳунармандлар, касаначилар, болалар, тадбиркорлар, хуллас, барча аҳоли қатлами учун ҳам ниҳоятда зарур ва керакли нашрлардан биридир.*

*Ахир ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а: инсоният бутун умри давомида эзгулик ва ёвузлик курашини кузатиб боради. Ер шарининг барча қатламларида инсоният мана шу икки туйғу курашининг гувоҳидир. Бугунги кунда одамзот маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатлари учун хизмат қиладиган, олис яқин манбалардан тарқаладиган, турли мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсирини сезиб яшамоғи керак.*

*"Оила ва жамият" газетаси саҳифаларида ёритилаётган Ўзбек оилаларининг миллий хусусиятлари, халқимизнинг ўзига хос одатлари эса ер курраси-нинг ҳамма ерида ҳам топилавермайди. Шу боис ҳам газетанинг танлаган йўли ва амалга ошираётган ишларини, бир сўз билан айтганда, эзгулик амалларидан бири деб атагим келади. Бу нашрнинг доимги ўқувчиси сифатида "Оила ва жамият" газетасининг 2011 йилда чиқадиган сонларида ҳам ана шундай эзгу ниятларга бой қатор мақолаларни кутиб қоламиз.*

**Ойсулув ҚОДИРОВА,**
**Термиз давлат университети ўқитувчиси.**

НУР ТЎЛА УЙ

# «Гужумбой»лар оиласи

Бу оилага ҳамманинг ҳаваси келади. Зиёли, дунё кўрган тарихчи олим, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Қодир ота Эрназаров бугун 85 ёшни қаршилаётган бўлса-да, ҳамон тетик ва бардам. Нафақат ўз оиласида балки маҳалла-кўйда ҳам каттак кичик отахоннинг панду насиҳатларига амал қилади, эъзозлайди.

Қодир оғанинг ўзи болалигида кўп қийинчиликларни бошидан ўтказгани боис, фарзандларини ҳам турли ҳаётий мушкулотлардан ҳайиқмайдиган илму маърифатга ошно, ўзларига эгаллаган соҳаларнинг етук мутахассислари бўлиб етишишлари йўлида кўмагини аямади. Турмуш ўртоғи Раъно ая билан уч ўғилни эл-юрт хизматига муносиб фарзандлар қилиб вояга етказгани боис бугун улар ортидан фақат раҳматлар эшитишяпти. Тўнғич ўғил Юсуфжон масъулиятли даргоҳларда ишлаб, айни пайтда нафақада, илмий-тарбиявий ишлар билан банд. Баҳромжон билан Олимжонлар эса ҳукуқшунос, эл корига ярав юришибди.

Яна бир ибратли жиҳати, бу оилага тушган келинлар ҳам ўқимишли, одобли, сариштали. Ишда ҳам, оилада ҳам ўз вазифаларини шараф билан адо этишяпти.

Невараю эвараларни айтмайсиз! Қодир оға уларни эркалаб, "Оиламиз гулгунчалари, сулоламиз давомчилари", дея фахрланади. Баъзилари олий ўқув юртларини тугаллаб, катта ҳаёт бўсағасидан ҳатлаётган бўлсалар, бошқалари эса талабалик ва ўқувчилик сабоқларини олаётир.

Яна бир қизиқ воқеа: Қодир отанинг хотирлашича, бир замонлар, яъни ўтган аср бошларида Муҳаммад Раҳимхон — Феруз Қодир оғанинг буваси бўлмиш Оллоққулибойнинг ҳалол ва меҳнаткашлигига тан бериб, "Илоҳо, бутун борлиғинг билан гужумдек (сададек) мустаҳкам бўл! Авлодинг кўпайиб гужумдек сершох бўлсин!", — деб дуо қилиб, уларга "Гужумбой"лар, деган лақаб қўйган экан. Тақдирнинг сийловини қарангки, бугун ана шу оила сердавлат, серфарзанд ва эл орасида ўзига хос обрў топиб, авлодлари анъаналарини давом эттиришяпти.

Устоз Қодир оға Эрназаров турмуш ўртоғи Раъно опа билан бундан икки йил авввал пойтахтимизда ўтказилган "Оила — муқаддас Ватан" деб номланган кўрик-танловда ғолибликни қўлга киритиб, "Энг намунали оила" сифатида эътироф этилган эди...

Албатта, бундай мўътабар ёшда аксарият кексалар уйда ётиб дам олишни, невара-чеваларга кўз-қулоқ бўлиб юрмоқни истайди. Лекин бизнинг Қодир оғамиз ҳамон тиниб-тинчимайдиган, ишлаб чарчамайдиганлар тоифасидан. Яъни ҳали ҳам Тошкент давлат юридик институтида талабаларга сабоқ беришда давом этаётир. Шогирдларига беминнат маслаҳатчи, олий таълим аълочиси, "Жасорат" медали соҳиби, устоз Қодир оға Эрназаровнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, кўрганкечирганлари бир китобга сиғмайди. Шу боис ҳам халқимизда "Қариси бор уйнинг париси бор" деган ҳикматли ибора неча асрларки, ўз қадр-қимматини йўқотмай келаяпти. Ана шундай дуогўй, нуроний устунларимиз омон бўлишсин!

**Жаббор РАЗЗОҚОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

Oila va jamiyat
№1 (999), 5.01.2011

*...Ўша куни кийиниш ҳақидаги насиҳатлари қарийб бесамар кетгани етмаганидек, бугун қизининг айтган сўнгги гаплари янада эсанкиратиб қўйди. «Сиз яхши она бўлолмаяпсиз, умуман менга қаттиқ гапиришга ҳаққингиз ҳам йўқ!» дея эшикни зарб билан ёпиб чиқиб кетган қизининг ортидан мунғайиб қолди. Сўнг қизининг тарбияси билан жиддий шуғулланиш, бу борада қандай йўл тутиш кераклиги ҳақида ўйлай бошлади.*

*Бундай воқеалар кейинги пайтларда она ва қиз фарзанд(шу жумладан, ота ва ўғил)лар ўртасида кўп учраётгани сир эмас. Шундай чоғларда оналар нега фарзанди уни тушунмаёгани ҳақида ўйлаб қолса, фарзандлар онам ҳаддан ташқари талабчан бўлиб бораяпти, деган хаёлга борадилар. Келинг, бу ҳақдаги айрим фикр-мулоҳазаларни руҳшунос мутахассислардан эшитайлик-чи:*

# Меҳр ва қаҳр чегараси

## ёхуд фарзанд тарбияси хусусида руҳшунослар нима дейди?

**Мушарраф САЛОҲИДДИНОВА, Самарқанд давлат университетининг «Амалий педагогика ва психология кафедраси" ўқитувчиси:**

— 13-14 ёшларида ҳар бир болада ҳам жисмонан, ҳам ақлий жиҳатдан катта ўзгаришлар рўй бера бошлайди. Бу эса ўз-ўзидан боланинг руҳиятига таъсир қилмай қолмайди. Умуман, юқоридаги каби ҳолатлар, яъни болада турли ўзгаришлар содир бўлаётган пайтдагина оналарнинг фарзанд тарбияси билан машғуллигига киришиши яхши натижаларга олиб келмаслиги мумкин. Сабаби, қизининг бундай феълидан жаҳл қилган она фарзандга фақат қаттиққўллик билан муомала қилиш лозим, деб ўйлайди ва шундай йўл тутади ҳам.

**Зулайҳо ҲАСАНОВА, СамДУ ўқитувчиси:**

— Лекин биламизки, балоғат даврининг инқироз пайти деб аталиши ҳам бежиз эмас. Бундай ҳолатда оналар, айниқса, қизларига дўст сифатида муносабатда бўлишса, уларга юқоридан туриб эмас, яқин сирдоши сифатида яқин бўлишга интилса, жуда кўп муаммоларнинг олди олинади. Айниқса, жинсий тарбия ҳақидаги маълумотларни оналарнинг ўзлари гапириб беришлари, фарзандини қизиқтирган саволларга йўл-йўлакай эмас, обдон тушунча беришлари лозим. Масалан, ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатяптики, оналарнинг қизлари билан, оталарнинг эса ўғиллари билан очиқчасига суҳбат қилмасликлари натижасида мамлакатимизда ёшлар жинсий тарбия ҳақидаги маълумотларнинг 88 фоизини четдан олар экан. Бу эса жуда ташвишланарли ҳол, шундай эмасми?

**М.Салоҳиддинова:** — Бундай ҳолатга тушмаслик учун эса фарзанд тарбиясини у туғилганданоқ бошлаш керак. Бола истайсизми, йўқми онаси билан эмоцианал яқинликда бўлади. Хорижда ўтказилган тадқиқотга кўра, гўдаги бошқа хонада бўлганида она телевизор орқали даҳшатли фильм томоша қилиш жараёнида нариги хонадаги бола безовталаниб йиғлайверган. Бу мисол ҳам боланинг туғилганиданоқ онаси билан руҳан яқинлигини исботлаб беряпти. Шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, фарзандни онасичалик тушунадиган инсон бўлиши мумкин эмас. Бу эса ўз-ўзидан, осонгина кечадиган жараён эмас. Она билан қизнинг ўртасидаги дўстона муносабатга тамал тоши йиллар давомида қўйиб борилади. Айниқса, она узоқда бўлиб, фарзанд тарбияси қариндошлар қўлида қолиб кетса, бу нарса кўпроқ қизларга таъсир кўрсатади. Фарзанд балоғат ёшида ёнида онаси бўлмаса, гарчи ўзи ҳам очиқ айтиб беролмаса-да, аммо буни турли одатлари билан сездириб қўяди. Руҳиятда «кўнгил қичқириғи» деган ибора бор. Яъни балоғат ёшидаги қиз ёнида онаси ёки уни тушунадиган инсон бўлмаганидан кейин бу нарсани турлича тарзда ифодалайди. Бирови ҳаддан ташқари терс бўлиб қолса, бировида бошқалардан кескин ажралиб туриш истаги пайдо бўлади ва у турли антиқа кийим-кечаклар, тақинчоқларга ружу қўйиши, кўчадан турли феъл-атвордаги «дўстлар» топиб олиши мумкин. Бунинг олди олинмаса, бундай қичқириқ «яра»га, охир-оқибат тузалмас «хасталик»ка айланиши турган гап.

**З.Ҳасанова:** — Кўп давра суҳбатларида ўзингиз ҳам гувоҳ бўлганингиздек, оналар намунали бўлишининг ўзи кифоя қилмайдими, улар билан қай тариқа суҳбат олиб бориш керак, ахир «Онасини кўриб қизини ол» деган тушунчалар қайда қолди, деган фикрлар билдирилиб туради. Тўғри, фарзандларга биринчи навбатда ота-оналарнинг ўзлари ҳамиша намуна бўлишлари керак. Оилавий муҳитнинг ҳам тарбияда роли ниҳоятда катта. Мисол учун, она баъзан ўзи сезиб-сезмаган ҳолда фарзандига характер хислатларини шакллантиради. Қизлар ҳам, ўғил болалар ҳам илк тасаввурларни, малакани оиласидан олади. Гарчи оила ибратли, ота-она зиёли бўлса-да, аммо шундай хонадонларда ҳам фарзанд тарбиясининг издан чиққанини кузатиш мумкин. Бу эса болаларга ибрат бўлишнинг ўзи етарли эмаслигини исботламоқда. Фарзанд билан очиқ мулоқотлар олиб бориш керак, хатти-ҳаракатингизни, айниқса, миллий урф- одатларимизнинг мағзини кўрсатиб бериш — ота-онанинг вазифаси. Бу улардан шу масалада яхши тасаввурга эга бўлишини талаб қилади. Агар фарзандлар ўзларини қизиқтираётган саволларга қаноатлантирадиган жавоблар ололмаса, демак, у бу одатларга риоя қилишдан бош тортиб қўя қолади.

**М.Салоҳиддинова:** — Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Бугунги давр тезкор, шиддаткор. Ахборот оқимининг ҳаддан ташқари кўплиги, информация алмашувларининг тезкорлиги – буларнинг ҳаммаси, энг аввало, руҳиятга ўзича таъсир кўрсатади. Тезкорлик стрессни келтириб чиқаради. Фарзандларнинг ҳаддан ташқари асабийлигидан, барча шароит муҳайё бўлса-да, аммо доим нимадандир норози бўлаётганидан ташвишланаётган ота-оналар сони ортаётгани Европа жамиятида ҳам сир эмас бугун. Бу ҳам цивилизация хасталикларидан бири. Хўш, бундай ҳолатдан ота-оналар қандай йўл тутмоқлиги керак? Албатта, юқорида таъкидланганидек, фарзандларга жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, уларнинг фикрларига тўғри тушуниш билан ёндашиш, дўстона муносабатда бўлиш қатор муаммоларнинг олдини олади.

Яна бир мулоҳаза: оналар болаларига нисбатан инстиктив меҳри туфайли ҳаддан ортиқ меҳрибонлик қилиб юборишади. Уларнинг кўнглига қарашга интилишади. Балоғат даврига келгач эса фарзандларнинг баъзи одатларига кескин равишда қаршилик қилишади. Бу эса болага ёмон таъсир этади. Айтмоқчиманки, болага меҳрни ҳам, жазони ҳам меъёр билан қўллаш лозим.

**З.Ҳасанова:** — Ҳа, фарзандни тушуниш бошқа, уни яхши кўриш бошқа деган фикр ҳаётда кўп бора ўз исботини топган. Ворисларимизда ўзимиз истаган хислатлар осмондан ёғилиб қолмаслиги аниқ. Бунда ирсиятнинг ҳам ўз улуши бўлганидек, таълим-тарбия, ижтимоий муҳитнинг ҳам ўрни катта. Шундай экан, фарзандларимиз тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўймасдан, уларнинг кўнгил қичқириғини эмас, юракдан чиққан шукроналарини эшитайлик.

**«Оила ва жамият» мухбири Гулруҳ МЎМИНОВА ёзиб олди.**

---

# Ичаётган аёл...

## ёки чўкаётган ҳаё

— Дам олиш куни узоқроқ қариндошимизникида тадбир ўтказилди, — дея гап бошлади ҳамкасбларимдан бири. — Бир уй тўла аёллар ичида қош-кўзини қалин бўяган, сочларини чиройли турмаклаган қирқ ёшлардан ошган аёл эътиборимни тортди. Йўғон овозда гапдонлик қилиб, турли қочириқлар айтиб ҳаммани ўзига қаратаётган бу жувон хонтахта устидаги нознеъматларга кўз югуртирди-ю, уй эгасига қаради:

— Анави зормандадан йўқми, опажон? Нима, биз бодом чақиб, писта егани келганмизми-а? — деб атрофига қараб ҳиринглади. Хонадон соҳибаси "Э, унутибманку", дея шошиб ташқарига чиқиб кетди ва бир пасда арок, вино, коньякларни кўтариб келди.

— Мана бу бошқа гап, энди кайфият кўтарилиши аниқ, нима дединг Назокат, — бояги аёл беўхшов ҳиринглаб ёнидаги шеригига имо қилди. Унинг ҳам томоғи тақиллаб турган эканми, бир зумда қадаҳларни тўлдирди. Аёллардан бир иккитасини айтмаса, ҳаммаси қадаҳларни уриштириб, ўзларича даврани қизита бошлашди. Ҳеч қанча вақт ўтмай, ичимликлар тугаб, аёлларнинг қулфи-дили очилиб, бепарда, беҳаё гаплар, латифалар айтишга тушиб кетишди. Бу ҳолат менга жудаям эриш туюлди. Негаки, ўзининг ибо-ҳаёси, ор-номуси, вафо-садоқати билан танилган ўзбек аёллари(айрим тоифаларни назарда тутаяпмиз)нинг бу каби бемаъни, ярашиқсиз қилиқларини қандай баҳолаш мумкин? Кейинги пайтларда яшириб ўтирмайлик, бу каби ҳолатлар одат тусига айланиб бормоқда. Бирор бир тўйтантана, туғилган кун, бешик тўйлари, ҳаттоки уйда ўтириб зериккан аёллар томонидан уюштирилаётган гап-гаштаклар ҳам спиртли ичимликларсиз ўтмаётгани бор ҳақиқат. Бу ҳам майли, минг афсуски, эркаклар билан бир даврада ўтириб, тенгма-тенг қадаҳ кўтариб, сархушлигида аёллигини унутаётганлар ҳам учраётир. Энг аянчлиси эса булар орасида ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотмаган, бирор қийинчиликларга дуч келмаган, балоғат ёшидаги ёки ёш боласи бор келинчакларнинг борлигига нима дейсиз?

Маълумки, аёллар кўпинча янги урфга кираётган кийим-кечак ёхуд турли тақинчоқлар масаласида бирбиридан қолишмасликка ҳаракат қилишади. Наҳотки турли зиёфат ва базмларда спиртли ичимликлар ичиш ҳам "мода" ёхуд замонавий аёлнинг хусусиятларидан бирига айланаётган бўлса?! Бу ўзбек аёллари учун ярашиқсиз одат, тўғри йўлдан адаштирувчи иллат эмасми?

Ичкиликбозликка муккасидан берилганларни, у эркакми, ёки аёлми, ҳар қандай ҳолатда ҳам ёқлаб ва оқлаб бўлмайди. Бироқ аёл киши (унинг қисматига нечоғли оғир кечинмалар тушмасин) ичкиликка ружу қўйиши мутлоқ кечирилмас, ғоят ўкинчли ва аянчлидир. Қолаверса, аёл зотининг май қаърига ғарқ бўлиши эртанги зурриёдларга ҳам таъсир кўрсатиши аниқ. Яна бир жиҳати, фарзандлар тарбиясида ҳам бундай иллатларнинг оқибати ёмон бўлади. Негаки маст қилувчи ичимликлар инсоннинг ҳам руҳий, ҳам жисмоний жиҳатдан ўзига қарам қилиб, турли кўнгилсизликларни келтириб чиқаради. Ичкиликка берилиш ихтиёрий телбаликдир, гўзаллигу ёшликнинг хазон бўлиши, бахтсизлигу хасталикнинг, ғам-ғусса-ю изтиробнинг манбаи саналади.

**Зокир Мейлиев, олий тоифали шифокор:**

— Алкоголизм ҳар қандай кучли инсонни ўз домига тортиб, охир-оқибат ҳалокатга гирифтор қилади. Арок биринчи навбатда мияни қуритади, асабларни вақтинчалик фалаж йўли билан маст қилади. Буйрак, жигар, сийдик аъзолари, бепуштлик, жинсий ожизлик, юрак ва асаб тизими ҳамда қандли диабет хасталикларининг ривожланишини тезлаштиради. Буйрак ва простата бези хасталикларига чалинган беморлар тузалганидан сўнг ҳам спиртли ичимлик истеъмол қилса, хасталик қайталайди. Энди ичкиликка берилган хотин-қизларимизнинг соғлиги ва руҳиятига бу аччиқ балоларнинг келтирадиган зарари ҳақида-ку айтмаса ҳам бўлади. Хуллас, бизлар учун гўзаллик, жозиба, латофат тимсоли бўлмиш опа-сингилларимиз бундай хавфу хатарлардан асраб-авайлаш ва ўз вақтида огоҳ этиш бурчимизга айлансин.

**Майсара ҚЎЙЛИЕВА, журналист. Қашқадарё вилояти.**

**«DOCTOR — D» госпитали раҳбари Дилмурод Иргашев жавоб беради:**

**«Турмуш курганимизга 15 йил бўлди. Учта қизимиз бор. Ҳаммаси соппа-соғ, аммо улардан кейинги уч ўғил ҳомилам нобуд бўлди. Мутахассислар текшириб кўргач, менда «TORCH» инфекцияси борлигини аниқлашди. Бу қандай инфекция, уни даволаса бўладими?»**

Бу инфекция асосан жинсий алоқа натижасида ўтади, камдан-кам ҳоллардагина қон таркибида бўлиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, ҳаво томчи йўли билан ҳам юқиш эҳтимоли бор. Тиббиёт нуқтаи назаридан ёндошадиган бўлсак, инфекциянинг номи мазкур касалликнинг бош ҳарфларидан олинган.

**T** — токсоплазмоз (toxoplacmosis);
**O** — бошқа инфекциялар (others), (сифилис, ОИТВ, гепатит, хламидиоз);
**R** — қизилча (rubella);
**C** — цитомегаловирус (cytomegalovirus);
**H** — герпес (herpes simplex virus).

Мазкур инфекциянинг борлиги аниқланган ҳомиладор аёл икки босқичли даволаш жараёнидан ўтиши керак. Биринчиси, инфекция аниқланган вақтнинг ўзида бошланади. Илк даволанишдан сўнг аёл организми буткул тозаланади. Иккинчиси, ҳомила 36-38 хафталигида она яна қайта текширувдан ўтади. Чиққан натижа ижобий бўлса-ку яхши, лекин бошқа омиллари сезиладиган бўлса, қайта даволаниш шарт. Шундагина туғиладиган болага «TORCH» инфекциясининг таъсири бўлмайди. Акс ҳолда, айнан шу инфекция оқибатида бепуштлик, ҳомиланинг ҳеч бир сабабсиз вақтидан илгари дунёга келиши, ўлик ёки қандайдир туғма нуқсонлар билан туғилиши ҳолатлари содир бўлади.

*Бу борада бизнинг "DOCTOR–D" ихтисослаштирилган клиникамизда керакли муолажалар, тиббий ёрдамлар кўрсатилади (тел:+99871-113-00-57).*
*E-mail: hospital@doctord.uz.*
*URL: http://www.doctord.uz*
***Хизматлар лицензияланган,** лицензия рақами № ПЮ-2876.*

**Ҳурматли муштарийлар! Ўзингизни қизиқтирган саволлар юзасидан (+99894)607-67-32 телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.**

**«NORBEKOV SOG'LOMLASHTIRISH MASKANI»**

**Сизларни соғломлаштириш курсларига таклиф этади!**

*Агар Сиз истасангиз, дардингиздан ўзингиз халос бўлишингиз мумкин. Бу йўлда биз Сизга ёрдам берамиз. Бунинг учун Сиздан фақат ҳоҳиш, ҳаракат, ишонч ва озгина меҳнат талаб қилинади. Марказимизда академик Мирзакарим Норбеков услуби бўйича ҳеч қандай дори-дармонсиз, ташқи таъсирларсиз 10 кун мобайнида турли хил машқлар ёрдамида инсоннинг ички ҳимоя кучлари ишга солиниб, кўплаб дардлардан фориғ бўлишингизга кўмаклашади.*

**Жумладан:** кўз касалликлари, астигматизм, узоқ ва яқинни кўра олмаслик, катаракта, қон томирлар варикози, қон босими ошиши, остеохондроз, юрак-қон томирлари хасталиги, кўз ва қулоқ нерви невритлари, ички аъзо хасталиклари, ошқозон-ичак хасталари, ўпка-нафас олиш системасидаги муаммолар, модда алмашинуви, умуртқа поғонаси, гинекологик, урологик, аллергик тери хасталиклари, астма, простатит, гипертония, экзема ва бошқа касалликлар. Бундан ташқари, соғлиғингизни тиклабгина қолмай, турли хилдаги оғриқлар, руҳий тушкунлик, уйқусизлик, асабийлашиш ҳолатлари, оилавий ва атрофингиздагилар билан бўладиган муаммоларни бартараф этишингизга ёрдам берилади. Академик Мирзакарим Норбековнинг соғломлаштириш услуби фойдали, шу билан бирга, оддий ва самарали. Бу усулнинг асосини Шарқ файласуфларининг мумтоз анъаналари ва қадим китобларда тасвирланган, йиллар синовидан ўтиб келган соғломлаштириш усуллари ташкил қилади. Бу усулдан марказимизда ёшидан қатъи назар, барча фуқаролар фойдаланиши мумкин.

**Қабул куни 16 январь соат 10⁰⁰ да.**
**Биринчи кун кириш бепул**

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Чўпон ота кўчаси, 23-«а» уй.
Мўлжал: метронинг М.Улуғбек бекати,
9 қаватли сариқ бинонинг орқасидаги 2 қаватли бинода.
Маълумот учун телефонлар: (8 371) 276-44-59; 276-28-89.
www.norbekov.uz e-mail: madadi-sino@mail.ru

**Гувоҳнома № 000162.**

РАНГИН ДУНЁ

# Орзулари олам ёшлар

Мамлакатимизда миллий қадриятларимиз, маънавий-маданий меросимизнинг нодир намуналари, шу жумладан, халқ амалий санъатининг барча турларини тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганидан ҳар қанча қувонсак кам. Бу борада Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони эса мазкур соҳа вакиллари меҳнатини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган энг муҳим дастурламал бўлди десак янглишмаймиз.

Табиатни беназир мусаввирга қиёслашади. Бу ҳам бежиз эмас, албатта. Агар ҳар биримиз бу сирли хилқатни ўз дунёқарашимиз, соф идрокимиз билан тасаввур этганимизда эди, бу ғаройиб оламнинг бетакрорлигини янада теранроқ англаган бўлардик.

— Авлод-аждодларинг умргузаронлик қилиб келган, ўзинг кўз очган она Ватан тимсолини талқин этиш осон эмас, — дейди **Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги Сурхондарё вилоят ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ўқувчиси, ёш мусаввир Шоҳруҳ Тоштурдиев.** — Масалан, ўзим чизган ишларда табиат ато этган бетакрор мўъжизаларни уйғунлаштирган ҳолда юртим гўзаллиги, мафтункорлигини баҳоли қудрат очиб беришга уриндим. Бизга бу нозик соҳанинг сир-асрорларини ўрганишимиз учун интернатимизда барча шароитлар яратиб берилган. Тажрибали устозларимизга ҳар қанча таъзим қилсак арзийди. Чунки улар кўмагида шу пайтгача тасаввуримизга ҳам сиғдиролмаган чизгиларни чизаяпмиз.

Мазкур мактаб-интернат ўқувчилари санъатнинг ҳайкалтарошлик, мусаввирлик, кулолчилик, ганчкорлик йўналишлари бўйича ўз маҳоратларини ошириш йўлида жиддий изланишлар олиб боришмоқда. Ёш ижодкорларнинг яратган ишлари билан яқиндан танишар эканмиз, улар орасида кулолчиликка оид намуналар бизнинг эътиборимизни тортди. Ёш кулолларнинг оддийгина лойдан ясаган буюмларини томоша қилиб, ўзгача завқ туяди киши. Бу даргоҳ ўқувчиларидан бири Шоҳжаҳон Бахтиёров ўз қўли билан яратган ижодий ишини шундай таърифлайди:

— Сизнинг назарингизда қўлимдаги лойдан ясалган чол тасвири соддароқ бўлиб туюлар, лекин мен бунинг учун неча кундан бери ўйланиб, деталларини хаёлимда чизганман. Шундан кейингина иш бошладим. Ҳар ҳолда ёмон чиқмади шекилли, устозлар мақташди. Ҳар бир одамнинг ўз кўзи билан кўрган нарса-буюмларга муносабати ҳар хил бўлиши табиий. Шу маънода келгусида кулол бўламан деган ёш бола оддий лойни ҳам ўзгача қабул қилади, яъни унинг учун тайёр ижодий хомашё саналади.

— Бугунги кунда илм даргоҳимизда 80 нафар ўқувчи ёшлар турли йўналишлар бўйича таҳсил олишяпти ,— **дейди санъат мактаб-интернати раҳбари Шермамат БОЙҚУЛОВ.** — Уларнинг ҳаммаси ўзига хос иқтидорга эга. Бири тасвирий санъатга, бошқаси ганчкорликка, хуллас, қайсидир санъат турига қизиқади ва табиийки, келгусида ўзи танлаган соҳа бўйича илк сабоқларни шу ерда олишмоқда. Албатта, Президентимиз ҳамда ҳукуматимиз томонидан ушбу соҳага яратиб берилаётган кенг имконият ва ғамхўрликлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Энг муҳими, баркамол авлодни ҳар томонлама етук ва билимли қилиб тарбиялаш, вояга етказишдек эзгу мақсадларни кўнгилларига жо этган фидойи устоз- мураббийларимиз ўз зиммаларидаги масъулиятли вазифаларни шараф билан уддалашмоқда. Шу боис ҳам бизнинг иқтидорли ўқувчиларимиз республика миқёсида ўтказилаётган "Янги авлод" ёшлар фестивали, "Келажак овози", "Бахтли болалик" каби нуфузли кўрик-танловларда совриндор бўлганлигининг ўзи ҳам юқоридаги фикримизни яна бир бор тасдиқлайди.

Термиз шаҳридаги ушбу санъат мактаб-интернатида эртадан кечгача ижодий муҳит ҳукмрон. Ёш иқтидор эгаларининг қай бири билан суҳбатлашмайлик, барчасининг орзу-ниятлари бир олам. Бу эса чин маънода истиқлол фарзандлари камол топаётган бу даргоҳнинг бугуни ҳам, эртаси ҳам ёруғ бўлмоғидан нишонадир.

**Райҳон ЖУМАЕВА,**
**"Оила ва жамият" мухбири.**
**Сурхондарё вилояти. ( t )**

## БИР ҲОВУЧ ДУР

* * *

Мен ўз ҳаётимни пораланиши мумкин бўлган юракка ҳам, ўтмаслашиб қоладиган ҳис-туйғуларга ҳам эмас, балки ҳеч қачон эскирмайдиган ва ҳамма нарсага бардош бера оладиган миянга жамлаганман.

**О. БАЛЗАК**

* * *

Биргина қалб хоҳишича уй соламан деган одам уни бамисоли вулқон отилиб турган тоғ устига қураётгандай. Ўз бахту саодатини фақат оилавий ҳаётдан кутган киши эса бу уйни қум устига қуради.

**А.И. ГЕРЦЕН**

* * *

Ўзбошимчаликни ёнгиндан ҳам тезроқ ўчирмоқ зарур.

**ГЕРАКЛИТ**

**«ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ**

**қуйидаги ўқув курсларга таклиф этади:**

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш.
Ҳамшира (тезкор) — 3 ой.
Тиббий массаж — 2 ой. Нуқтали — 1 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Пишириқлар олий курси — 1 ой.
Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
Педикюр, маникюр — 1 ой.
Сартарошлик — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка).
Тўқувчилик — 2 ой.
Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой
Арабча ва миллий рақс — 3 ой.

**Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.**

**Барчаси амалиёти билан**
Ётоқхона мавжуд.

Манзил: Тошкент шаҳри Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод деҳкон бозори орқасида.
Тел: (8 371) 221-17-95, (8 371) 221-77-72 (кундузи), (8 371) 225-97-93 18:00 дан 22:00 гача.

Филиал
Манзил: Ҳамза тумани Фарғона йўли. Қўйлик 4-уй 40-хона.
Тел: (+99897) 785-90-30 (кундузи)

**Муҳтарама ПАРВОЗ опа!**

Таваллуд кунингиз муборак бўлсин! Баркамол авлодни тарбиялашдек масъулиятли ишларингизда муваффақият, оилавий ҳаётингизда эса ҳамиша тотувлик ва хотиржамлик ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламан.

Самимий эҳтиром билан
**синглингиз Авезжон БЕКМУРОТОВА**

**Қадрли онажонимиз ЖУМАГУЛ опа!**

Туғилган кунингиз билан чин қалбимиздан табриклаймиз! Эл хизматида юриб ҳормай-толмай, умр йўлларингиз ҳамиша нурафшон бўлмоғини Оллоҳдан чин дилдан истаб қоламиз.

**Фарзандларингиз**
**Давлатмурод, Шавкат, Фаррух.**

**Хўжайли шаҳри**

Oila va jamiyat
№1 (999), 5.01.2011

**"Кимни биринчи бўлиб тингласанг, ўша ҳаққа ўхшайди".**

**Дадамнинг насиҳати**

*Ижодкор учун сафар чоғи йўлчи-йўлдош ҳамроҳлари билан суҳбат қуриш чанқаган кишининг ногаҳонда учраган ирмоққа энгашиб, қониб сув ичишидек гап. Ўзига йўл очиб, тоғу тошлардан ўтиб, баҳри уммонга интилаётган бундай ирмоқларнинг суви мусаффо бўлади. Аммо суви ичишга яроқли бўлмагаплари ҳам йўқ эмас. Бинобарин, сафар ҳамроҳларнинг гап-сўзлари, ҳикояти ривоятлари ҳам турлича бўлади. Уларни тинглаб кўп нарсаларни билиб олиш мумкин. Аммо йўл йўл-да, рост-ёлғонни, бўлган-бўлмаганни аралаштириб, бошингизни қотирадиганларга ҳам гоҳо дуч келиб қоласиз. Жим эшитиб бораверасиз. Яхшиси ёдингизда қолади, ёмонини унутишга ҳаракат қиласиз.*

Ахмад OFA

Қамчиқ довонидан ўтиб, Ангрен шаҳрига яқинлашганимизда Андижондан харид қилинган, Тошкент орқали Хоразмга олиб кетилаётган яп-янги машинанинг бензини тақа-тақ тугади. Вақт анча кеч бўлиб қолган эди. Совуқ шабада аъзои баданни жунжиктиради. Ҳозиргина хушчақчақ келаётган ҳамроҳларнинг бир зумда хуш кайфиятидан асар ҳам қолмади.

Ўша куни водийда бензин тақчил бўлган эканми, бошқа машиналар ҳам бирин-кетин тўхтай бошлади. Ҳайдовчи йигит қўлига челагини ушлаб, йўл четида туриб, ғизиллаб ўтаётган машиналарга имо-ишора қилади. Аммо ҳеч бири тўхтамайди. Янгийўл шаҳрида қайсидир тадбиркорнинг иссиқхонасида ёлланиб ишлаётган чустлик икки ўспирин, бундан йигирма йил аввал тошкентлик бир йигитга турмушга чиқиб, бугун Қўйлиқда муқим яшаб қолган қизиникига меҳмонга келаётган Зуҳра момо ва мен сал нарироқдаги гавжум ошхонанинг ҳавоси айниган, сигарет тутунидан бурқсиб кетган чоққина хонасига кириб, иссиқ чой, ярим косадан шўрва буюрдик. Машинада кўзларини юмганча бир нима демай келган Зуҳра момо шу ерда кўнглини ёзди.

— Етти қизнинг онасиман, бу ёғини сўрасангиз, мендан кичик бўлсангиз керак, "ука" дейман-да, энди. Чолим ўлиб кетди, дардимни сизларга айтмасам, кимга айтаман. Э, пешонамга ёзилгани шу экан — етти қизим етти шаҳарга тушди. Қулоғим етти томонда — тинч ўтиришибдимикин, болалари омонми ишқилиб, бирор нағмаси чиқмадимикин, деб юрагим ҳалак. Эшик тарақлаб кетса, "Уҳ, ана биттаси келди аразлаб" деган хавотирга бораман. Баъзан сал қовоғи осилиб келиб қолишади ҳам. Алдабсулдаб, насиҳат қилиб, уйларига жўнатаман. "Мана мен, оталарингга тегиб, ҳашаматли саройда яшамадим, қўша-қўша киймадим, сенларга ўхшаб шаҳарма-шаҳар кезмадим, ўйнамадим-кулмадим. Аммо ёмон бўлганим йўқ, сенларни отангминан меҳнат қилиб боқдик, ҳаром луқма егизмадик, уйли-жойли бўлдинглар, гулдай болаларинг бор, энди сабр қилинглар", деб қулоғига қуяман. Худога шукр, ҳаммаси ўзидан тиниб-тинчиб кетишди. Топса, ўзидан орттирса, иккита нон кўтариб келиб қолади. Биттасини еб, биттасини ўзига тугиб бераман. Аммо пешонамда озроқ шўр бор экан, ука...

Етти қизнинг орасида ўсган бир ўғлим бор. Мўмин-қобил, ичмайди, чекмайди, бировга ола қарамайди. Шу боламга тўрт эшик наридаги битта қизни олиб бердим. Аслида "Қариндошдан қиз олма" деб тўғри айтишган экан, яна денг, келиннинг ҳовлиси яқин бўлса бир бало экан. Кунига уйига чопади, алланималарни баҳона қилиб, ётиб ҳам қолади. Онаси индамаса, отаси "хай" демаса, қиз шунақа одат чиқаради-да. Биз келин бўлганимизда, бир ой — икки ойда бир марта ота-онамизни кўргани борардик. Ўшанда ҳам ё қайни, ё қайнсингилни қўшиб жўнатишарди.

Хуллас, келиним айниди. Уйлари эски, зах, ётишга кўрқаман, деб аразлаб чиқиб кетди. Алдаб-сулдаб олиб келдик. Отаси раҳматли ёшлигида қурган уй, эскилиги бор, янгиламасак бўлмайди шекилли дедик-да, буздик. Қўлимиздан келганича бошқаладик. Янги эшик-ром ўрнатдик, пол қилдик. Аммо келинимизнинг чеҳраси очилмади. Ўғлим бир куни: "Онажон, ўртоқларим четга ишлагани кетишяпти экан, мен ҳам бориб, унча-мунча пул ишлаб келсам, уйни тузатиб олардик", деб қолди. Шу ерда хато қилдим шекилли-да, ука, "Қўй болам, узоқнинг шўрвасидан яқиннинг ёвғони яхши", деб қайтарсам бўлар экан, "хўб" дебман мен овсар.

Болам пул жўнатиб турди. Шу сабил қолгурга маҳлиё бўлиб, бошқа ҳеч нарсани ўйламабман. Бирикки мартадан кейин келиним: "Пулни нега сизга жўнатади, пенсиянгиз бор-ку?" деб жанжал бошлади. "Тилпон қил, майли, сенга жўнатсин, нима фарқи бор", деб қутулдим. Кейинроқ "Фалончилар мунчадан жўнатишяпти экан, нега буники оз?" деб ғалва қўтарадиган бўлди. Учинчи йили "Ўғлингиз томдан йиқилиб, оёғини синдириб олибди, ҳозирча даволанаётган экан, иложи бўлса озроқ пул юборар экансизлар", деган хабар келди. Оҳ дедим, шўрлик бошимга шу ҳам бормиди деб, ўзимни у ёққа урдим, бу ёққа урдим, фойдаси бўлмади. Бисотимдаги бир нималарни сотиб, жўнатдик. Келиним бўлса, "Ўғлингиз бизни лақиллатяпти, у ёқда уйланиб олган", деди-да нарсаларини йиғиштириб, уйига тамом чиқиб кетди. Югургилаб қудаларимнинг олдига бордим. «Бир жойнинг одамларимиз, айланайлар, эшитган қулоққа яхши эмас, ундай қилманглар, тузалса қайтиб келади", дедим. Аммо гапим ҳаводда қолди. Эркак қуда бир оғиз гапи билан қизини орқасига қайтарса бўларди. Йўқ, бундай қилмади.

Ҳовлида бир ўзим шўппайиб қолдим. Қизларим келиб хабар олиб туришди. Бу орада келиним шаҳарга қатнаб, аллақайси ишхонада простина тикадиган бўлибди. Эрталаб, кечқурун эшигимиз олдидан ўтади. Баъзан кўзим кўзига тушади. Етти ёт бегонадай қараб ҳам қўймайди. Кийимлари ўзгариб, ўзини анча ростлаб олибди. Майли, тинч бўлса бўлди, ўғлим келса, ярашиб кетар, деб сабр қилдим.

Алҳол, болам бечора қайтиб келди. Қуруқмас, унча-мунча пул билан келди. "Эна, уйни очамиз, тагтуги билан бошқалаймиз", деди. Мен аввалига кўнмадим, аммо ўғлимнинг шаштини қайтаргим келмади. Усталар, жиянчалар, қўни-қўшни биргалашиб, етмиш беш кун деганда томини ёпишди. Газ туширишди.

Бир куни болам бекатда хотинини кўриб қолибди. Келиним қизли бўлганини айтдим шекилли, боласи билан бир жойга кетаётган экан. Уйга келиб, "Эна, Гулбаҳорни кўрдим, ярашмоқчи шекилли, мен томонга қараб-қараб қўйди", деди. "Ярашаман десанг, мен нима дейман, майли дейман-да, боланг тирик етим бўлса яхшими?", дедим. Хуллас, маҳалладан одам қўшиб, битта саватни тўлдириб, қуданикига чиқдик. Эски майда-чуйда гапларр айтилди. Биздан ўтган бўлса узр деб, келинни уйга олиб келдик. Ўтганига саловот, буёғи энди яхши бўлар, деб ўйлагандим. Йўқ, бўлмади, ука. Одам боласи бир айниганидан кейин қийин экан.

Келиним ҳар куни эрта азонда шаҳарга жўнайди. Кеч қайтади. Овқатини пишириб кутиб ўтираман. Ейди-ю донг қотиб ухлайди. Ўғлим бўлса, синган оёғи қақшаб оғриб, уйда тамом ётиб қолди. Топиб келган пулини ишлатиб бўлдик. Қозонимизнинг таги кўринди. Рўзғорга бир нима томиб турмаса шу-да! Буни кўриб, келин яна хархашасини бошлади.

Орадан қирқ кун ўтиб, келиним касалман, даволанишим керак деб, уйларига чиқиб кетди. Борсам, кўнгли айниб ётибди. Дўхтирларга кўрсатайлик, десам, "Сиз аралашманг, ошқозонимда яра бор экан, ўғлингизга айтинг, пул берсин", деди. Бердик. Шаҳарга қатнаб даволанди. Тузук бўлса чиқар, дегандик, чиқмади.

Бу орада битта қўшнимиз ғалати гап топиб келди. Келинимни туғруқхонада кўрганмиш. Ҳовлида битта йигит билан гаплашиб турган экан. Э худо, ошқозони касал бўлса, туғруқхонада нима қилади, деб қайрон бўлдим. Қўшним: "Шу келинингиз сал...", деди-да мийиғида кулиб, уйига кириб кетди. Биров устимдан бир пақир совуқ сув қуйиб юборгандек бўлди. Ўзимни тутиб, қўшнимнинг уйига бордим. "Менга қаранг, дуппа-дуруст оиланинг қизи, ёмон хаёлга борманг, гуноҳ бўлади, ахир", деганимни биламан, "Э, содда кампир, ҳаммасини айтганим йўқ, келинингиз айниб кетган, бировдан орттирганини олдиргани борган, бу — биринчиси эмас, буни сиздан бошқа ҳамма билади, э, ўзингиз ҳам биласиз-ку, нега яширасиз?", деса бўладими.

Қани энди, ер ёрилса-ю, мен кириб кетсам. Тилим оғзимга ёпишиб қолди, томоғимдан нафас ўтмайди. Шу ҳолатда уйга келдим. Заҳримни ўғлимга сочдим. "Сен бадбахт бола, узоққа кетмай шу ерда юрганингда, шундоқ маломатларга қолмас эдик", дедиму, бошқа гапни айтолмайман. Дамим ичимда.

Бу гап охири маҳаллага ўрмалади. Ўлганнинг устига тепган бўлди, укажон. Аёл қуда келиб, "Сен ялмоғиз, қизимга туҳмат қилибсан, қани айт, қачон кўрдинг, ким билан кўрдинг, қўлинг билан ушладингми, айтасан, айтмагунингча қўймайман, ўғлингнинг ўзи бошқа ёқларда нима иш қилиб юришганини билмайди дейсанми", дея ёқамдан олди.

Хуллас, қудалар билан ажрашдик. Янги уйнинг эшик-ромигача, полигача кўчириб олиб чиқиб кетишди. Ўғлим уйда, оёғи шишиб ётибди. Бу ҳам майли, қудаларнинг таниш-билишлари кўп экан, дўхтирларга учраб, ҳужжат қилишибди. Ўғлим келинимни уриб, мен эса овқат бермай, ногирон қилиб қўйган эмишмиз. Алиментни вақтида тўламасак, ўғлим қамалармиш. Маслаҳат қилгани қизимнинг олдига келаяпман, укажон. Балким, сиз ҳам бир нима дерсиз...

Ҳамроҳимнинг ҳикояси шу ерга келганида шофёр йигит машинага бензин қуйиб келиб қолди. "Роҳат" кўлининг айланма чорраҳасидан ўтиб, чапга бурилдик. Менга асли тўғрига қараб юриш маъқул эди. Аммо эътироз билдирмадим. Қўйлиқ бозори ёнидаги кўприкка келганимизда иссиқхонада ишлайдиган йигитлар тушиб қолишди. Катта йўлдан ўнгга, сўнг маҳалла ичига бурилиб, тўрт қаватли уйларнинг олдига келиб тўхтадик. Шунча гапни эшитдим, мен ҳам бир нима дейишим керак-ку, ахир, дейман ўзимга ўзим. Аммо тилимга ҳеч нима келмади...

*(Давоми бор.)*

ТААССУФ

## ПУЛ ЭМАС, АВВАЛ АҚЛ ТОПИШ КЕРАК

Бир оилани биламан. Отаона — олий маълумотли, эр фирмада бош ҳисобчи, аёл эса шифокор. Ўзига тўқ хонадон. Яшаб турган уйларидан ташқари яна учта кўп хонали квартираларини ижарага бериб ўйишган. Ўтган ёзги таътил бошланиб, ҳамма болалар дам олиш оромгоҳларида яйраб, ҳеч йўқса, ўз уйларида янги ўқув йилига ҳам руҳан, ҳам жисмонан куч тўплаб олган бўлсалар, бу оиланинг уч нафар фарзанди эрта саҳардаёқ қаёққадир кетишарди-да, кун ботганда ҳолдан тойиб қайтишарди. Бир куни Чилонзор буюм бозорига тушдим. Сотувчи билан савдолашиб турсам, бир қизнинг «Кеннойи, тўхтаб туринг», деганини эшитиб қайрилиб қарадим ва...кўзларимга ишонмадим: ҳозиргина мен айтаётган эр-хотиннинг 11 ёшли тўнғичи оёғим остидаги картон қоғозга ёпишиб тортқиларди. Елкасига илиб олган катта сумкаси ҳам ана шундай қоғозлар билан лиқ тўла эди. Ҳалиги қиз ҳам мени кўрди-ю, танимагандек, секин нари кетди. Ўйланиб қолдим: нахотки, шу оила ўз фарзандининг қоғоз сотиб топадиган пулига муҳтож бўлса? Ёки моддий томондан қийналиб қолишдимикан?

Бир неча кун ўтгач, йўлакда ўша қизнинг онаси билан учрашиб қолдим. Ҳар гал бизнинг саломимизга истамайгина алик оладиган аёл бу сафар қуюқроқ сўраша кетди. Сўрамасам ҳам ўзи гап очди: «Тунов куни бозорда қизимни кўрган экансиз, хайрон бўлдингизми?» Нима дейишни ҳам билмай, «Ҳа, кўзим тушувди» деб қўя қолдим. Ўзи изоҳ бера бошлади: «Хўжайин ҳозирданоқ болаларга пул топишни ўргатиш керак, шундагина эртага қийналиб қолмайди, қани, мактабга киядиган кийим-бошларинг учун ўзларинг ишлаб маблағ топинглар девди, шунга...»

Гарчи ҳеч қандай изоҳга ўрин қолмаган бўлса-да, барибир чидаб туролмадим: «Тўғрику-я, опажон, сиз ўзингиз шифокорсиз-ку, ахлат қутиларни титкилаб, қоғоз теришлари саломатликлари учун ҳам зарарли эмасмикан? Шундан кўра уйда китоб ўқишса яхшимасми?..» Шу гапни айтишим биланоқ қўшнимнинг авзойи бирданига ўзгарди ва тутақиб кетди: «Э, китоб ўқиб оламни олиб берармиди? Бир ўқиган сизми, кўраяпман-ку, нима қиласиз менга ақл ўргатиб? Мактаб бошлансин, кейин ўқийверади. Ҳозир кўчада сандиқлаб юргандан кўра, уч-тўрт сўм топса, нимаси ёмон?»

Орадан кўп вақт ўтмади. Кутилмаганда айни янги ўқув йили бошланаётган маҳали дастлаб иккинчи фарзанди сариқ касалига чалиниб касалхонага тушганини эшитдим. Сўнг биринчи, ва ниҳоят, отасидан бошқа ҳамма ана шу юқумли хасталик билан оғриб, ойлаб шифохонада ётишди. Ота-онанинг «пул топиш жазаваси»га тушгани оила учун яхшилик келтирмади...

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА**

● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ ● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ ● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

## Илон ва тимсоҳлар босқини

**Австралиянинг шимоли-шарқий минтақалари сўнгги йилларда содир бўлаётган тошқинлар оқибатида заҳарли илон, ўргимчак ва тимсоҳлар ҳужумидан азият чекмоқда, дея хабар беради "The Daily Telegraph".**



Заҳарли даррандалар сув тошқинларига қўшилиб, ўз маконларидан узоқлашиб кетмоқда ва яқин-орадаги аҳоли пунктларига бостириб кираётир. Аҳоли илону тимсоҳлардан безор бўлган. Маҳаллий ҳокимиятлар эса одамларни ҳушёрликка ва сувга тушмасликка чақираяпти.

"The Sydney Morning Herald"нинг ёзишича, тошқин қурбонлари сони уч нафарга етган. Австралия шимоли-шарқидаги табиий офатдан тахминан 200 минг киши жабр кўрмоқда. Тошқин хавф солаётган минтақа майдони Франция ва Германия ҳудудига тенг келади. Охирги кунларда мингдан ортиқ аҳоли марказий шаҳарларга кўчирилган. Табиий офат келтирган зарар 1 миллиард доллар дея ҳисобланмоқда.

## Бир бола учун 250 минг

**Жанубий Кореяда бир болага туғилишидан олий маълумотли бўлгунча 250 минг доллар сарфланар экан. Мамлакатнинг Ижтимоий ва соғлиқни сақлаш ишлари тадқиқот институти (KIHASA) ана шундай хулоса берган.**

Тадқиқот натижаларига қараганда, корейслар янги туғилган чақалоққа 3 ёшга етгунича ўртача 25 минг доллар сарфлайди. Шу тариқа ота-она фарзанди 3 ёшидан мактабга боргунча 30 минг, бошланғич таълими учун 65 минг, ўрта мактаб учун 35 минг, лицейда таҳсил олишига 42 минг доллар харж қилади. Олий ўқув юртига эса 68 минг доллар кетар экан. Тадқиқотда ўқувчиларнинг тил ўрганиш учун чет элга бориб келишига ўхшаш қўшимча харажатлар ҳисобга олинмаган.

## Чекиш тақиқланди

**Испанияда бар, ресторан, шифохона ва мактабларда чекишни тақиқловчи қонун кучга кирди. Бундан буён телеэфирда ҳам чекаётган одамларни кўрсатиш мумкин эмас.**

Бу тартиб Европада энг талабчан қоидалардан ҳисобланиб, дастлаб 2006 йили жорий этилган. Ўшанда иш жойида чекиш тақиқланган, бар ва ресторанларда эса буни эгаларининг ўзи ҳал қиларди. Аммо кўпчилик тадбиркорлар ҳеч қандай чеклов қўйишни истамади.

Испанияда бар ва кафеларда дам олиш оммалашган. Шифокорлар мазкур ҳуқуқий меъёрнинг қабул қилиниши одамларга чекишни ташлашда ёрдам беришига ишонади, аммо тадбиркорлар даромадларининг пасайиб кетишидан хавфсирамоқда. "BBC News" берган маълумотга қараганда, Испанияда ҳар куни 160 киши чекиш билан боғлиқ хасталиклардан вафот этади.

**Интернет манбалари асосида Фаррух ЖАББОРОВ тайёрлади.**

АЖИБ ОЛАМ ● АЖИБ ОЛАМ

## Пўстинсиз Қорбоболар

Болажонларнинг севимли қорбоболари турли давлатларда турлича аталади. Испанлар уни "Ноэль ота", руминияликлар "Мош Жарилэ", голландлар "Синте Клаас", японлар "Сегацу-сан", инглизлар ва америкаликлар "Санта Клаус", руслар "Дед Мороз" деб номлашган. Буларнинг аксарияти ўзбекчага таржима қилинганда "Аёзбобо" ёки "Қорбобо" деган маънони англатади. Қорбобонинг кўриниши бутун дунёда деярли бир хил. Шундай бўлса-да, Санта Клаус билан Дед Морознинг кийимларида ўзига хос фарқлар бор. Масалан, Санта Клаусниг бошида попукли қизил қалпоқча, эгнида унча узун бўлмаган қизил пўстин, қўлида қизил қўлқоп бўлиб, соқоли ўртача калталикда қиртишланган кўринишга эга. Дед Морознинг бошида кенг гардишли махсус телпак, эгнида ерга теккудек узунликдаги мўйнали кўк пўстин. Қўлида узун ҳасса, оппоқ, узун тўлқинсимон соқоли қорнигача тушиб туради.

Умуман, қорбобо бу шаклга келгунича ўзига хос "кийиниш" тарихини босиб ўтган. Дастлаб у плащда тасвирланган. XIX аср бошида голландияликлар уни қўлида труба чекиб турган мўри тозаловчи кийимида қабул қилишган. XIX аср охирларига келиб қорбобо ўзининг бизга таниш қиёфасига эга бўлган. 1860 йилда америкалик рассом Томас Найт Қорбобони илк маротаба соқол билан тасвирлаган. Инглиз мусаввири Тенниэл кўп вақт ўтмай очиққўнгил, ёқимтой, хушмуомала ва қорин қўйган мўйсафид чол сиймосини яратди.

## Совға учун

Буюк ҳикоянавис ёзувчи О'Генрининг машҳур бўлиб кетишида Янги йилнинг муҳим ўрни бор дейиш мумкин.

Унинг асли исм-шарифи Сидней Портер бўлиб, ҳали ёзувчи сифатида шуҳрат қозонмаган вақтлари 34-627 рақами билан қамоқхонада маҳбус эди. Хотини ва ягона қизалоғи уни интизор кутиб яшарди. Сидней Портер Янги йил яқинлашгани сари қизалоғига нимадир совға қилишни жуда-жуда хоҳларди. Табиийки, қамоқхонада бунинг учун пул бўлмайди. Шу истак кучи билан у ўз тақдирини ўзгартиришга қарор қилади. Бир ҳикоя ёзиб, журналлардан бирига юборади. Кўп ўтмай Сидней Портернинг ҳикояси журналнинг Янги йил сонида О'Генри тахаллуси билан босиб чиқарилади. Ҳикоянинг қалам ҳақига бўлажак ёзувчи қизалоғи учун ажойиб совға сотиб олади. Ана шу жараён дунёга О'Генри деган машҳур ёзувчини ҳадя этганди.

**Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.**

* * *

«Қизим Гулнорага саккиз ойлигида қизамиқ чиққанди. Хасталик асоратли кечиб, қулоғи оғрий бошлади. Ўшанда муолажа нотўғри қўллангани сабаблими, эшитиш тизимлари ишдан чиққан экан. У эса эсини таниганидан буён эшитув қобилияти пастлиги боис ўзини ноқулай ҳис қиларди.

Айниқса, 1-синфга чиқаётганида «Бормайман, болалар устимдан кулади, онажон, ўзингиз уйда ўқитинг», дея йиғлаган эди. Мактабда ўқиб юрган кезлари синфдош дугоналари уни ўзларига яқин олиб, кўнглига йўл топди. Қизимнинг хурсандлигини кўриб, кўнглим ёришарди. Уни қайта-қайта даволатдик, лекин фойдаси бўлмади. Кейин педагогика коллежини тугатиб, мактабда ишлай бошлади. 24 ёшида қўшни маҳаллалик йигитга узатдик. Бир куни у қайнонаси қўшнисига "Аттанг, билмабмиз-а, келинимизнинг қулоғи оғирроқ экан", деяётганини эшитиб қолибди ва ўксиниб бу гапни эрига айтса, унинг жаҳли чиқиб «Ҳа, нима бўпти, онам тўғрисини айтган-да», деб баттар устидан кулибди. Шу куниёқ у менга йиғлаб кўнгироқ қилди ва «Онажон, қулоғим оғирлигини тўйдан аввал уларга айтганман девдингизку!», деб эзилиб йиғлади. Аслида, қуда томонни, ҳақиқатан ҳам огоҳлантирган эдик, улар эса "Ҳечқиси йўқ, иккаласи бир экан-ку, у ҳам ўғлимизнинг бармоқлари олтиталигини юзига солмаса бўлди", дейишганди. Минг афсуски, улар Гулнорани ҳақоратлашгач, уйга қайтиб келди ва қонуний ажрашишди. У ҳомиладор эди, келгач, қизчали бўлди. Қизимнинг **ёши 30 да.** Маълумоти ўрта-махсус. Ёшига мос, тақдири ўзиникига ўхшаш, инсон учраса, турмушга бермоқчимиз.

**МАСТУРА хола, Самарқанд вилояти".**

* * *

"Зумрад узоқ қариндошимизнинг қизи эди. Ота-онамизнинг рози-ризолиги билан учрашдик ва кейин бизларни унаштириб қўйишди. Бир куни ишхонамга Акбар деган йигит келиб, "Зумрад билан бизлар бир-биримизни севамиз, илтимос, уни тинч қўйинг", деб қолса бўладими. Бу гапни онамга айтсам, у киши бамайлихотир оҳангда: «Парво қилма, болам, ипаккаям чўп илашади, чиройли қизларнинг ошиғи кўп бўлади. Ундайлар ёнади, куяди, охири ўчади», деди. Шу орада тўйимиз ҳам кўнгилдагидек бўлди. Бизлар бинойидек яшай бошладик. Ўғилли, қизли бўлдик. Мен ошпазлик қилардим. Шогирд тушганларга касбим сирларини ўргатардим. Хусусан, исмли шогирдим Акбарнинг ён қўшниси экан. Суриштириб, у ҳалигача уйланмаганини эшитгач, ичимда нимадир узилгандай бўлди. Ахир, синглим ўтган ҳафта келинойисига алам билан «Акам билса, сизни икки дунёдаям кечирмайди, болаларингизни ўйласангиз-чи», деганини эшитиб қолувдим. Лекин хотиним мени кўрибоқ: «Битта ордона кўйлакни олганим учун мени кечирмайсизми?» деди. «Йўғ-е», деганча уйга кириб кетдим. Туни билан синглимнинг ажабланганча ёқасига туфлаган ҳолати ҳеч кўз ўнгимдан кетмади. Бу воқеадан бир йил ўтар-ўтмай, якшанба куни ишим кўпайиб, кечроқ уйга қайтдим. Не кўз билан кўрайки, уйда ҳеч ким йўқ, хонтахта устида эса бир парча қоғоз турарди. Унда Зумрад Акбарсиз яшолмаслигини, болаларни ҳам ўзи билан олиб кетганини ёзибди. Бошимдан биров қайноқ сув қуйиб юборгандек бўлди. Шунча вақт мени алдаб, авраб яшаб юргани учун аёлимдан нафратланиб кетдим. Ҳеч қандай гапсўзсиз эртаси куниёқ судга бориб ажрашиш ҳақида ариза ёздим. Мана, ана шу кўргуликларни бошимдан кечирганимга ҳам 8 йил бўлди. **Ёшим 46 да.** Маълумотим ўрта-махсус. Тўғри сўз, вафодор, қадримга етадиган аёл учраса, илтимос, хабар берарсизлар.

**НОДИР, Тошкент шаҳри".**

* * *

"Назирани яхши кўришимни, унга уйланишимни айтганимда, онам "Икки-уч марта гепатит билан оғриган экан, уни келин қилмайман", деганди. Мен эса "Ундан бошқа қизга уйланмайман", деб оёқ тираб олдим. Икки йилдан сўнг онам уларнинг уйига совчиликка борди. Ниҳоят, узоқ кутган тўйимиз ҳам бўлди. Ҳамманинг ҳавасини келтириб, аҳил-иноқ яшай бошладик. Кетма-кет учта қизли бўлдик. Қизларим қуйиб қўйгандек онасига ўхшарди. У доим ўғилли бўлишимизни орзу қиларди. Тўртинчи фарзандга ҳомиладор бўлди. Текширув натижаларига кўра, дунёга келмаган чақалоқ ўғил эди. Минг афсуски, у дунё юзини кўрмади ва... ўзи билан бирга онаси ҳам дунёдан ўтди. Қизларимни бағримга босиб, қон-қақшаб қолавердим. Қайнонам "Неваралари ўгай она қўлида қолмасин, жон болам, уларнинг тарбиясини менга ишонинг", деди. Рози бўлмадим. Қизларимни ўз эгаларига топшириб, сўнг уйланишга қарор қилганимни айтдим. Икки қизимни ҳеч кимдан кам қилмай узатдим, кенжасини унаштиргач, "Оила ва жамият" газетасига умид билан мурожаат қилдим. Менга Дилбар исмли аёлнинг телефон рақамини беришди. Учрашдик. Кейин қизларим билан ҳам танишди. Маъқул бўлиб, оила қурдик. Дилбар оқ кўнгил, меҳрибон, уйимжойим дейдиган аёл экан. Ҳозир тинч-тотув яшаяпмиз. Раҳмат Сизларга!

**НАЗАР, Хоразм вилояти".**

Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

**«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла қўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.**

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46**

Oila va jamiyat
№1 (999), 5.01.2011

# Қуён йили: тахмин ва тасалли

**Қўй**

Бу бурждагилар учун 2011 йил янги-янги кашфиётлар даври бўлади. Баҳорда қавм-қариндошларингиз, яқинларингизга эътиборлироқ бўлинг. Айнан улар сизнинг яхши-ёмон кунингизда ҳамроҳдир. Йилнинг иккинчи ярмида молиявий аҳволингиз яхшиланади. Айниқса, қуён буржида туғилганларга омад кулиб боқади.

**Сигир**

Сиз учун келаётган йил сокин ва беташвиш кечади. Жиддий режаларни рўёбга чиқариш учун ҳозирданоқ киришинг — юлдузлар сиз томонда!.

**Эгизаклар**

Бу бурждагилар учун ҳақиқий синов йили бўлиши кутиляпти. Ўтган умрингиз, шу кунгача қилган яхши-ёмон амалларингизни сарҳисоб қилишингизга тўғри келади. Шахсий хаётингизда кутилмаган воқеалар содир бўлади.

**Қисқичбақа**

Сиз учун йил ўз-ўзингизни англаш, ҳаётга бўлган қарашларингизни ўзгартириш билан бошланади. Ҳам руҳан, ҳам қалбан етукликка эришишингиз учун имкон бўлади. Серташвиш ўтган йўлбарс йилидан фарқли ўлароқ, қуён йили сизга хотиржамлик ва осойишталик олиб келади.

**Арслон**

Бемалол хайрли янгиликлар кутинг. Бу кўпроқ шахсий ҳаётингиз билан боғлиқ. Мабодо қуён мучали арслон буржида туғилган бўлсангиз, 2011 — сизнинг йилингиз. Фақат сиздан ҳар бир ишга ақл ва идрок, билим ва савия билан ёндошиш талаб этилади.

**Сунбула**

Мазкур бурж вакиллари спортчи, ижодкор, рассом ё ҳайкалтарош бўлса, жорий йилда баланд чўққиларни забт этишлари мумкин. Аммо соғлиғингиз ҳақида ҳам жиддий қайғуришингизга тўғри келади. Чунки моддий томондан муаммо бўлмаслиги мумкин, лекин саломатлик биринчи ўринга чиқиши кутилмоқда.

**Тарози**

Ўтган йилда эришган ютуқларингиздан мағрурланиб кетмасликни маслаҳат берамиз. Бизнесдаги янги ҳамкорларингиз билан муносабатда эҳтиёткорроқ бўлинг. Янги йилда яшаш жойингизни ўзгартириш ёки узоқ юртга сафар қилишингиз кутиляпти. Мансаб поғонангиз кўтарилиши мумкин.

**Чаён**

Бу йилда катта-катта лойиҳаларга қўл урмаганингиз маъқул. Яхшиси, келаси йил учун пухта замин яратинг. Чунки бу йил сизнинг сабр-бардошингиз, кучингиз синаладиган давр. Санъат, ижод оламига таалуқли инсонлар йилнинг иккинчи ярмида омад ва машҳурликка эришади.

**Ўқотар**

2011 йил сиз учун ҳар жабҳада омадли келади ва эсда қоларли, ёрқин дамларни ҳадя этади. Касб-кор, ижод ё бизнесда янги режалар тузган бўлсангиз, албатта, амалга ошади. Айниқса, қуён мучалидаги ўқотарлар кўзлаган ўлжасини бехато уради. Йил охири сиз учун мақтов ва олқишлар келтиради.

**Тоғ эчкиси**

Агар сиз ижод кишиси бўлсангиз, бу йил кутилмаган асарлар яратиб, муваффақиятга эришасиз. Йилнинг ўртасида касбингиз билан боғлиқ хориж сафарига чиқасиз. Қайсарлигингиз, калондимоғлигингизни ташласангиз, албатта орзу қилган ниятларингизга етасиз. Йилнинг ўрталарида соғлигингизга жиддий эътибор беринг.

**Қовға**

Ва ниҳоят ўзингизни намоён этадиган вақт келди. Барча билимларингизни ишга солинг. Атрофдагиларга муносабатда эҳтиёт бўлинг. Ҳаммани дўст деб ўйлайверманг. Етти ўлчаб бир кессангиз, омад кулиб боқади.

**Балиқ**

Қандай қийинчилик, ташвишлар бўлмасин, ушбу бурждагилар осонгина "муаммолар денгизи"дан сузиб чиқиб кета оладилар. Қатъий тартибларга риоя қилганликлари учун кўзлаган мақсадларига эришиши қийин кечмайди. Йўлбарс йилида бошланиб, охирига етмай қолган режалар энди қуён йилида омадли якун топиб, моддий ва маънавий рағбат олиб келади.

**Азиз муштарий! Биз тақдим қилаётган башоратлар мунажжимларнинг кўп йиллик кузатишларига асосланган. Аммо бу қатъий ҳақиқат дегани эмас. Негаки, тақдиримиз фақатгина Яратганнинг ўзигагина аён. Аллоҳ таоло эса, ғайратли, ҳаракатчан бандаларини яхши кўради ва омад бахш этади. Шундай экан қандай мучал ва бурч соҳиби бўлишингиздан қатъий назар, ўз танлаган йўлингиздан оғишмай интилсангиз, излансангиз, шубҳасиз муваффақиятга эришасиз.**

**Шаҳноза РОФИЕВА тайёрлади.**

СПОРТ ▼ СПОРТ ▼ СПОРТ

## ТЕРМА ЖАМОА ҚАТАРГА ЕТИБ КЕЛДИ

**Хабарингиз бор 7 январь куни Қатарда футбол бўйича Осиё биринчилиги бошланади.**

Ўзбекистон терма жамоаси иштирокида бир нечта ўртоқлик учрашувлари ташкил этилди. Охирги учрашув Иордания термаси билан бўлиб, дуранг(2:2) натижа қайд этилди. Вадим Абрамов бошчилигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳам бундан икки кун аввал Доҳа шаҳрига етиб борди. Терма жамоамиз ўзлари учун ажратилган меҳмонхонага жойлашишди ва дастлабки тайёргарлик машқларини бошлаб юборишди.

Айтганча, бу таркибга Улуғбек Бақоев келиб қўшилганидан хабарингиз бор. Бундай қарорга вазият тақозоси туфайли келинди. Яъни Ярослав Крушелницкий жароҳат олган. Демак, айни пайтда мураббийларимиз штаби асосий таркиб футболчиларини аниқлаш ва керакли тактикалар устида иш олиб боришмоқда.

Қуръа натижасига кўра, биринчи учрашув мезбонларга қарши кечади.

## «КАМАЗ» яна пешқадам!

Аргентина пойтахтида 1 январдан бошланган оғир юк машиналари мусобақаси ҳам қизғин паллага кирди. Унда «Мицубиши», «Фольксваген», «Ҳаммер», «БМВ», «Камаз» каби дунёнинг машҳур юк автомашиналари иштирок этмоқда. Охирги ўнйилликда Россия ишлаб чиқарилган «КАМАЗ» автомашинаси ғолибликни ҳеч кимга бермай келяпти. Биринчи босқич натижаси ҳам буни яққол кўрсатиб турибди:

1. Владимир Чагин (КАМАЗ) — 02:44:22
2. Алеш Лопрайс (Татра) +00:04:41
3. Фирдаус Кабиров (КАМАЗ) +00:06:52
4. Эдуард Николаев (КАМАЗ) +00:09:16
5. Андре де Азеведо (Татра) +00:10:35

**Интернет манбалари асосида Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.**

САВОЛ-ЖАВОБ

# Эркакларни камситиш... йўқ!

**Оналикнинг махсус ҳимояланганлиги, аёлларга берилган имтиёзлар, парламентга сайланишда қўшимча квота, жиноий жавобгарликнинг енгиллаштирилиши ва бошқа ҳолатлар эркакларни камситиш эмасми?**

Йўқ, аёлларга нисбатан қўлланиладиган имтиёз, квота ва бошқа махсус чоралар эркаклар ҳуқуқини бузмайди ва камситиш ҳисобланмайди.

Камситиш деганда, инсон ҳуқуқини чеклайдиган ёки бекор қиладиган, уни камситадиган ва асоссиз бўлган фарқлаш тушунилади. Ҳамма инсонлар тенг ҳуқуқлардан фойдаланишлари керак. Гоҳида давлат алоҳида шахслар гуруҳига тенг ҳуқуқлардан фойдаланиши учун алоҳида махсус чоралар белгилайди. Бундай ҳолатлар, яъни бир хил масалаларда эркаклар ва аёлларга нисбатан ҳар хил муносабат, масалан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган махсус чоралар камситиш ҳисобланмайди.

Аёллар ва эркакларнинг амалдаги тенглигини ўрнатиш бўйича имтиёзлар ва вақтинчалик чоралар қўллаш масалалари бошқа соҳаларга ҳам тегишли. Масалан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида"ги қонуннинг 22-моддасида аёллар сони сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган умумий номзодларнинг 30 фоизидан кам бўлмаслиги керак деган қоида белгиланган.

Бу чоралар давлатнинг аёллар ва эркакларнинг амалдаги тенглигига эришиш учун олиб бораётган чора-тадбирларидан далолат беради ва эркакларга нисбатан камситиш ҳисобланмайди.

***«Хотин-қизлар ҳуқуқлари саволлар ва жавобларда» китобидан олинди.***

2011 йил учун «Оила ва жамият» газетасининг ЭЛЕКТРОН НУСХАСИГА ҳам обуна бўлинг!

«Оила ва жамият»га тезкор усулда обуна бўлишни истасангиз, «Mahagon anime studio» масъулияти чекланган жамиятининг 311-56-33, 281-54-77 телефонларига (e-mail: info@mahaon.uz, www.citybook.uz, www.soho.uz) мурожаат қилинг!

"Оила ва жамият" газетаси ижодий жамоаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, газетамизнинг фаол муаллифи, таниқли шифокор

**Ўктам ҚЎЧҚОРОВ (Муҳаммад Мурод)**нинг вафот этганлиги муносабати билан оила-аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси

Таҳририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти – 15:00
Босишга топширилди – 16:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20
Мухбирлар: 233-04-50
Котибият: 237-21-82
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй Мўлжал: Олой бозори ёнида

ОБУНА ИНДЕКСИ – 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Буюртма Г – 132. Формати А–3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 10833.
Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ
Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ
Мусаҳҳиҳлар — Саидғани САЙДАЛИМОВ, Мафтуна МИНГБОЕВА

ISSN 2010-7609
1 2 3 5